

НЕМИС ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА БЕВОСИТА ТАРЖИМАДА ТИЛ МУАММОЛАРИ

Рустамова Дилиода Зарифбой қизи
ЎзМУ 3-курс талабаси Тошкент шаҳари
+998933095689

Илмий раҳбар – Профессор
Имяминова Ш. С.

Аннотация: Ушбу мақолада немис тилидан ўзбек тилига билвосита таржима қилинган роман мисолида, таржиманинг қийинчиликлари, муваффақиятлари ва натижалари тўғрисида сўз юритилади. Мақолада таржимада эквивалент танлаш, номлар таржимаси, таржимон маҳорати ҳамда миллий колорит масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Таржима, билвосита таржима, миллий колорит, эквивалент танлаш, таржимон, маҳорат, ҳикоя, адекват таржима.

Таржимон бу аслида икки халқ ўртасидаги уларни бир-бирига адабиёт йўллари билан боғловчи кўприқдир. Унинг таржима қилинган асарлари эса шу жараён маҳсули. Ижоди ҳар жихатдан ўрганишга лойиқ ва ибратли бўлган устоз таржимонлардан бири Мирзақомил Исмоилий таржима санъатини шундай таърифлайди: “Таржимачиликнинг ўйдим-чуқур йўллари кўп, таржимон зиммасидаги бурч икки олам юкидир” [5, 5].

Таржимашунослик бир неча асрлардан бери ривож топиб келмоқда, шунга кўра унинг меваларини ҳозирга кунга қадар адабиётнинг турли жанрларида акс этганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Кичик ҳикоялар ва анекдотлардан тортиб улкан романларгача таржимонларимиз томонидан таржима қилиниб тайёрланган асарлар китобхонлар эътиборига тақдим қилиб келинмоқда. Шу ўринда таржима жараёнида дуч келинадиган баъзи муаммолар ҳақида алоҳида сўз юритиш жоиз.

Албатта, ҳеч қайси бир тил бир бирисиз ривожлана олмайди, аксинча улар ўзларининг хусусиятлари билан ажралиб туради ва бу жихатларни маҳорат ила икки тил ўртасида боғловчи устун бўла олган инсон маҳоратли таржимондир. Таниқли таржимон, олима ва профессор Шухратхон Имяминова ўз китобиди, улуғ алломаларимизнинг таржимонларни “маърифат чопарлари” деб атаганликлари ҳақида келтириб ўтганлар [7, 8].

Ўзбек таржимачилиги сўнгги йилларда кенг ривожланиб бормоқда. Бунинг мисолида, Франц Кафканинг “*Das Schloss*” асарида кўриш мумкин. Бу асар таржимаси билан танишишдан олдин Франц Кафканинг ҳаёти ва ижодидан

хабардор бўлиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Франц Кафка 1883 йилнинг 3 июлида Прага шаҳрида туғилган. Отаси ўз меҳнати туфайли шаҳарда кичикрок бир фабриканинг эгаси бўлган. Кафка Прагадаги немис гимназиясини тугатиб, 1901 – 1905 йилларда Прага университетиде ҳуқуқшуносликни ўрганди, санъат тарихи ва олмоншунослик бўйича маърузалар тинглади. 1906 – 1907 йилларда Прага шаҳар судининг адвокатлар идорасида амалиёт ўтади. 1907 йилнинг октябридан бошлаб хусусий суғурта жамиятига хизматга кирди. 1908 йилда Прага тижорат академиясида шу ихтисослик бўйича малакасини оширди. Шундан сўнг у турли кам иш тўланадиган ташкилотларда ишлаган. 1917 йилда Кафка сил касалига дучор бўлади, 1922 йилда нафақага чиқади. 1923 йили Берлинга кетади, лекин соғлигининг ёмонлашуви сабабли Прагага қайтишга мажбур бўлади. Франц Кафка 1924 йилнинг 3 июнида Вена шаҳри атрофидаги Кирлинг санаториясида вафот этади. Асарлари: «Бир кураш тарихи» (1902-1903, биринчи асари), «Қурилиш» (1923, охириги асари), «Америка» (1911-1916, биринчи романи), «Жараён» (1915-1918, иккинчи романи), «Қўрғон» (1921-1922, охириги романи), «Эврилиш», «Хукм», «Жазо колониясида», «Очлик устаси», «Отамга хат» ва бошқалар [11].

Франц Кафканинг “*Das Schloss*” асари 1921-1922 йилларда ёзилган бўлиб, бу унинг энг охириги романи ҳисобланади. Кафкашунослар бу асар устида у 1917 – 1921 йиллар орасида иш олиб борган ва асар биринчи марта ёзувчининг яқин дўсти Макс Брод томонидан 1928 йили нашр этилган, деб хабар беришади [3, 3]. Шу ўринда асарнинг қисқача сюжети билан танишиб олиш жоиз: Ушбу романнинг бош қаҳрамони К. исмли танобчини иш юзасидан музофотга чақиришади, бироқ воқеалар ривожини ажабтовур ва бир-бирига боғланмаган ҳодисалардан иборат мазкур асарда К. сирли иш берувчилар билан учрашмайди.

Асар таржимасига келинадиган бўлса, “*Das Schloss*” романи таржимон Вафо Файзуллох томонидан билвосита, яни рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган. Аслини олганда, билвосита таржима қилинган асарларнинг ноаниқлиги ва аслиятга зидлиги бевосита таржима қилинган асарларга қараганда катта фоизни ташкил этади. Бу каби асарларда жой номлари, исмларнинг ўзгарганлиги, миллий колоритнинг йўқолганлиги, жумлаларнинг чалкашиб кетганлиги ва тушунарсиз бўлиб қолганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Таржима жараёнида муаммо туғдирадиган қийинчиликлардан бири бу – асар номи. Бу ном авваламбор аслий маънони англантиши ёки асарнинг маъносидан келиб чиққан бўлиши лозим. Масалан: Вафо Файзуллох “*Das Schloss*” романини рус тилидан ўзбек тилига “*Қалъа*” деб ўгирган, негаки “*Das Schloss*” – ўзбек тилида “*Қалъа*” маъносини англатади. Айнан бу ерда эса таржима тўғри қилинган.

Таржимон бир асарни бир тилдан иккинчи тилга ўғирар экан, ушбу асарни аслиятдаги каби чиқариб бериши лозим, ҳеч қандай қўшимча сўз-гапларсиз, ёки бир сўзни ё бўлмаса бутун бир бошли гапни тушириб қолдириши ярамайди. Бироқ билвосита таржиманинг ноқулай тарафларидан бири бу, юқорида айтиб ўтилганидек бирор бир гап ёки сўзнинг ортиб кетиши ва тушиб қолишидир. Масалан: *“Dann ging er, ein Nachtlager suchen; im Wirtshaus war man noch wach, der Wirt hatte zwar kein Zimmer zu vermieten, aber er wollte, von dem späten Gast äußerst überrascht und verwirrt, K. in der Wirtsstube auf einem Strohsack schlafen lassen.”* Ушбу гап рус тилига қуйидагича таржима қилинган: *“Потом он отправился искать ночлег. На постоялом дворе еще не спали, и хотя комнат хозяин не сдавал, он так растерялся и смутился приходом позднего гостя, что разрешил К. взять соломенный тюфяк и лечь в общей комнате [2, 3].»* Бу таржимада, немис тилидан рус тилига ўғирилган таржимада албатта, хатоларга ўрин йўқ, лекин ўзбек тилига таржимада биров хатога йўл қўйилган. *“Кейин эса тунагани жой топиш учун йўлга тушди. Ҳарқалай, карвонсаройдагилар ухлашмаган, бироқ ижарага қўйшмасди. Бу ернинг соҳиби шу кеч паллада меҳмонга бало борми, дегандек, аввалига жини қўзиди, охири амал-тақал қилиб бир тўшак топдириб, К.га умумий хонада тунашга рухсат берди [3, 5].”* Ушбу гапда муаммо нимада, оригинал матнда меҳмонхона хўжайинининг *“жини қўзиганлиги”*, ёки *“амал-тақал қилиб тўшак топиб берганлиги”* ҳақида бормяпти. Юқоридаги жумлалар таржимон томонидан асарни ўта бадийлаштириш мақсадида қўшилган, аслида эса таржимон муаллифнинг фикрларини ҳурмат қилган ҳолда, оригинал матнга содиқ қолиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Юқоридаги гапда келтирилган *“Strohsack – соломенный тюфяк”* бу таржимон ёзганидек оддий *“тўшак”* эмас балки *“сомондан қилинган тўшак”* эканлигин инобатга олиш лозим эди. Бироқ шуни тан олиш жоизки, таржимон *Wirtshaus – постоялоной двор* сўзини *“карвонсарой”* деб ўзбек тилига ўғирган, буни таржимоннинг ютуғи деб ҳисобласа бўлади.

Бир матнни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда таржиманинг асосий моҳияти турли типдаги тиллараро мослашувдир [4, 28]. Таржима қилинаётган асарда турли хил номлар, атоқли отлар ёки географик номларга дуч келиш мумкин. Бу жараёнда эса таржимондан ҳушёрлик талаб қилинади, негаки аслий матнда келтирилган исмлар бошқа тилга транслитерация ёки транскрипция қилинмас экан, унинг шу тилда бўлган оригиналлиги йўқолади. Транслитерация жараёнида номни, исмни тўғри товуш орқали бериб бўлмайди, шунинг учун ҳам ҳозирда бу жараёндан кўпроқ фойдаланилади [4, 26]. Масалан: *“Barnabas”* – исми рус тилига *“Варнава”* ва рус тилидан ўзбек тилига *“Варнава”* деб таржима қилинган. Вахоланки, кўриниб турганидек бу исм ўғил болаларга тегишли ва юқоридаги таржимада эса қиз болаларнинг исмига ўхшаб

қолган. Бу эса асарнинг таржимасида кескин муаммоларга сабаб бўлиши мумкин, мисол учун маънонинг умуман йўқ бўлиб кетиши, аслиятнинг йўқ бўлиши ва нотўғри маълумот етказилиши. Шунинг учун ҳам таржима жараёнида атоқли отлар, жой номлари ва исмлар тарнслитерация ёки транскрипция қилинади.

Таржима жараёнида реалиялар таржимаси алоҳида ўрин касб этади, шунингдек, эквивалентсизлик лексикага географик номлар, газета журналлар, театр номлари, атоқли отлар ҳамда лақаблар киради. Бундай ҳолларда ижтимоий-сиёсий ва этнографик реалияларни таржима қилишда тарнслитерация ёки трансформациянинг турли усуллари қўллаган ҳолда трансформацион таржима амалга оширилади, яъни кўшиш, тушириб қолдириш матндаги тушунчаларни изоҳлаш, сноска кўрсатиш, тахминий мослашувларни қўллаш ва х.к. [4, 22]. Масалан: “*Sohn des Schloßkastellans*” жумласи рус тилига “*сын кастеляна Замка*” ва рус тилидан ўзбек тилига “*Қалъа кастелянининг ўғлиман*” деб таржима қилинган. Таъкидлаш жоизки, таржимон “*кастелян*” сўзини шундайлиги қолдириб тўғри иш тутган ва охирида қуйидагича изоҳ қолдирган: *Кастелян – карвонсарой, меҳмонхона, ётоқхона ва бошқа жойларда иш юритувчи ходим.*

Таржимада эквивалент танлай билиш, уни ўз ўрнида қўллай билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу каби қийинчиликка ечим топиш эса фақатгина маҳоратли таржимоннинг қўлидан келади. Аммо баъзида эквивалентларни нотўғри қўллаш матнда ортиқча бўрттиришларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан: “*Guten Tag, Herr Lehrer*” жумласи рус тилига “*Добрый день, господин учитель*” ва рус тилидан ўзбек тилига эса “*Хайрли кун, мухтарам афандим*” деб таржима қилиниб тўғри эквивалент танлашда хатоликка йўл қўйилган. Юқоридаги гапни “*Хайрли кун, мухтарам устоз*” деб таржима қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳар бир асар таржима қилнар экан, бунинг замирида улкан меҳнат ётади. Фақатгина маҳоратли таржимонгина асарни аслиятдагидек таржима қилиб китобхонга тақдим эта олади. Зеро таржима қилинадиган муаллиф ва унинг асари билан таржимон ўртасида “тил топиш” бўлиши зарур [9, 115]. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, таржима бу мураккаб жараён бўлиб таржимондан юксак маҳорат, билим, тажриба талаб қилади.

Юқорида биз бир асарнинг немис тилидан ўзбек тилига билвосита таржимаси мисолида эквивалентларнинг, исмларнинг таржимада берилиши ҳолида фикр юритишга ҳаракат қилдик. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, таржимон аслиятда берилган барча сўзларни реал таржима қилишга ва зарур бўлганда эквивалентлар танлашга катта аҳамият бериши лозим. Шу билан таржимон адекват таржимага эришишга мувофақ бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Franz Kafka. Das Schloss. München, 1922.
2. Франц Кафка. Замок. Москва АСТ, 2023.
3. Франц Кафка. Қалъа. Тошкент, Мухаррир нашриёти, 2023.
4. Борисова И.Ф., Имяминова Ш.С. Таржима назарияси ва амалиёти. Тошкент, ЎзМУ, 2005.
5. Имяминова Ш.С. Бадиий матнлар таржимаси тўплами. Тошкент, ЎзМУ, 2013.
6. Имяминова Ш. Бадиий таржима санъатдир. – www.fikr.uz
7. Имяминова Ш.С. Бадиий матнлар таржимаси. Услубий қўлланма. Тошкент, ЎзМУ, 2014.
8. Эгамова Я. Таржимонлик санъаткорликдир // “Ёшлик” журнали, // 2013, № 12
9. Ғайбуллоҳ ас Салом. Таржима назарияси ва амалиётдан маъруза матни. Тошкент, ЎзМУ, 2003.
10. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1983.
11. www.ziyo.uz